

Фазилатли зикрлар



15:47 / 20.05.2021 3002

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким: «Розийту биллаҳи роббан ва бил ислами дийнан ва бимуҳаммадин соллаллоху алайҳи васаллама росула», деса, унга жаннат вожиб бўлади», дедилар. (Маъноси: Аллоҳни Роббим деб, Исломни диним деб, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни расул деб рози бўлдим) (Абу Довуд ривояти).

* * *

Абу Дардо розияллоху анху айтадилар: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Роббингиз ҳузурида амалларнинг яхшиси, даражангизни баланд қилувчиси, пул ва олтинларни инфоқ қилишдан афзалроқ бўлган ва душманингизга йўлиқиб, унинг бўйнига қилич уришдан ҳам яхши нарсани айтайми?» дедилар. Саҳобалар: «Айтинг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ:

«Аллоҳни зикр қилиш», дедилар *(Термизий ва Ибн Можа ривояти)*.

Ҳоким «Мустадрак»да бу ҳадиснинг иснодини саҳиҳ деган.

* * *

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Исро кечаси Иброҳим алайҳиссаломга йўлиқдим. У зот: «Эй Муҳаммад, умматингизга мендан салом айтинг ва жаннатнинг тупроғи пок, суви ширин ва ўзи текис, ўсимлиги «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» эканини уларга хабар беринг», дедилар» *(Термизий ривояти)*.

* * *

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, у киши учун жаннатда бир хурмо экилади», дедилар *(Термизий ривояти)*.

* * *

Абу Зарр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Каломларнинг қайси бири Аллоҳ таолога маҳбуброқ?» деб сўрадилар. У зот: «Аллоҳ фаришталарига ихтиёр қилган «Субҳана робби ва биҳамдиҳи, субҳана робби ва биҳамдиҳи» жумласини айтиш», дедилар» *(Термизий ривояти)*.